

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, профессор
Зайналов Ж.Р.**

2012 йил «26» май

**“Ғазначилик” таълим йўналиши
ҒИ-108 гуруҳ талабаси Гафуров Тохирнинг**

**« Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида Давлат
харажатларини режалаштириш ва уни ривожлантириш йўллари
(Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси маълумотлари бўйича)»
мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: проф. Ибрагимов Н.А. –
“Novopharma plus” МЧЖ ҚҚ
Бош директори**

**Илмий маслаҳатчи: Хакимов Р. –
Самарқанд вилоят Ғазначилик
бошқармаси бошлиғи**

САМАРҚАНД - 2012

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Ғафуров Тохир томонидан
“Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида Давлат
харажатларини режалаштириш ва уни ривожлантириш йўллари
(Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси маълумотлари бўйича)”
мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов томонидан ғазначилик тизимини янада такомиллаштиришнинг принципиал муҳим устувор вазифаси айнан харажатлар сметасини тузилишини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани айтилган пайтда жуда муҳим ва аҳамиятлидир¹.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ғазначилик тизимини ривожлантириш, харажатлар сметасини тузишда бюджет ташкилотларига кенг имкониятлар бериш билан бир вақтда бюджет харажатларини ошишига йўл қўмаслик иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ушбу иқтисодий вазифалардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ривожланишга эришишда бюджет харажатларидан фойдаланишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Бу эса анча мураккаб ва қийин вазифа бўлиб, кўп ҳолларда уларни бир вақтда бажариш имконияти чегараланган. Шу туфайли шундай вазиятни таъминлаш талаб этиладики, шаклланган смета ижтимоий ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир этиши лозим.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида келтирилган фикрлар талаба томонидан танланган битирув малакавий иши мавзусини ўрганиш муҳимлигини ва долзарблигини билдиради. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет харажатларини аниқ мақсадли ва самарали амалга оширишни талаб этади. Шунинг эътиборга олган ҳолда талаба битирув

¹ Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 218 б.

малакавий ишида харажатлар сметасида, давлат харажатларини режалаштиришни ривожлантириш фақат назарий жиҳатларини ва амалдаги ҳолатларини ўрганибгина қолмасдан, балки иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўловларни амалга оширишни такомиллаштиришга оид умумий фикр ва таклифларини беришга ҳаракат қилган. Президентимиз И.А. Каримовнинг газна тизими, уни харажатларидан оқилона фойдаланиш ва молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишда бюджет маблағларини сарфланишига оид янги асарларидан фойдаланилган.

Талаба томонидан ишда айрим камчиликларга йўл қўйилган, яъни ишда келтирилган чизмаларда тушунтириш жуда қисқа берилган, амалий маълумотларнинг етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги, шу билан бирга харажатларни йиллар давомида ўзгаришини диаграмма кўринишида келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, яъни фойдаланилган адабиётлар рўйхати кетма-кетлигини тартибга келтириш зарур.

Ўйлаймизки, ушбу камчиликлар талаба томонидан ҳимоя кунига қадар тузатилади. Юқорида келтирилган камчиликлар ишнинг сифатига ва мазмунан мавзу доирасида ёритилиш талабига таъсир этмайди.

Умуман иш талаб даражасида ёзилган ва уни ДАК олдида ҳимояга тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш Самарқанд вилоят
Бош бошқармаси бўлим бошлиғи**



А. Нишонов

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Гафуров Тохир томонидан
“Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида Давлат
харажатларини режалаштириш ва уни ривожлантириш йўллари
(Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси маълумотлари бўйича)”
мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига илмий раҳбарнинг
МУЛОҲАЗАСИ**

Ушбу мавзуда бажарилган битирув малакавий иши ва унда ишлаб чиқилган таклифлар иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида барқарорликни таъминлашда, бюджет ташкилотлари фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Ишда харажатлар сметасининг моҳияти, ғазначилик тизимини ривожлантиришда харажатлар сметасининг роли, молиялаштириш ҳолати, амалда бюджет ташкилотларида сметани тузиш ва харажатлар сметаси ижроси балансининг хусусиятлари, харажатларини режалаштириш жараёнида ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизомига риоя этишни ёритган ҳолда уларнинг ғазначилик тизимини ривожлантириш ва унинг харажатларидан самарали фойдаланиш ва унинг таҳлили каби масалалар ёритилган.

Ўйлаймизки, ушбу бажарилган ишдаги фикр ва мулоҳазаларни ўқиган ҳар бир мутахассис ғазна бошқармасини ривожлантиришга оид фикр ва мулоҳазаларга дуч келади. Ишлаб чиқилган таклифларни ғазна тизимида кенг ўрганиш йўлга қўйилса, ғазна тизими янада талаб даражасида кўтариледи. Ушбу мавзуга доир амалий маълумотларни кўпроқ таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

Умуман олганда, ишда кўтарилган масалалар тўлиқлигича ўрганилган ва ёритилган. Бу эса талаба келгусида етук мутахассис сифатида ишлаб чиққан таклифларини амалиётга қўллаш имкониятини яратиб беради.

Шу боис Гафуров Тохир томонидан бажарилган битирув малакавий иши қўйилган талабларга жавоб беради, шунинг учун у кишининг битирув малакавий ишини ДАК оқдида ҳимоя қилинишини ва ДАК томонидан у кишига бакалавр даражасини берилишини қўллаб қувватлаймиз.

**Илмий раҳбар
“Novopharma plus” МЧЖ ҚҚ
Бош директори, профессор**



Н.А. Ибрагимов

Мундарижа

Кириш.....	4
------------	---

I БОБ. Бюджет ташкилотларини харажатлар сметаларида давлат харажатларини молиялаштириш тартиби

1.1. Бюджет ташкилотида харажатлар сметасини тузишни зарурияти ва аҳамияти.....	9
1.2. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартиби.....	13
1.3. Бюджет ташкилотларида бюджет харажатларини шакллантириш тартиби.....	19

II БОБ. Бюджет ташкилотларида сметани тузиш тартибини амал қилишини ҳолати

2.1. Амалда бюджет ташкилотларида сметани тузиш ва харажатлар сметаси ижроси балансининг хусусиятлари.....	24
2.2. Бюджет харажатларини режалаштириш жараёнида ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизомига риоя этиш хусусиятлари.....	29
2.3. Бюджет харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш ҳолатларива харажатлар сметалари ижроси жорий ҳисобининг счетлар режасининг тайинланиши.....	32

III БОБ. Бюджет ташкилотларида давлат харажатларини режалаштиришни ривожлантириш йўллари

3.1. Бюджет ташкилотларида харажатлар сметасини тузиш тартибига таъсир этувчи омиллар.....	48
3.2. Бюджет ташкилотларида харажатлар сметасининг тасдиқлаш тартибини ривожлантириш йўллари	62

3.3. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида давлат харажатларини режалаштиришни ривожлантириш йўллари.....	66
--	----

IV Боб. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	70
4.2. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	72
4.3. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	80
4.4. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	87

Хулоса.....	90
--------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94
--	-----------

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ғазначилик тизимини янада такомиллаштиришнинг принципиал муҳим устувор вазифаси айнан харажатлар сметасини тузилишини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани айни пайтда жуда муҳим ва аҳамиятлидир¹.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ғазначилик тизимини ривожлантириш, харажатлар сметасини тузишда бюджет ташкилотларига кенг имкониятлар бериш билан бир вақтда бюджет харажатларини ошишига йўл қўмаслик иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ушбу иқтисодий вазифалардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ривожланишга эришишда бюджет харажатларидан фойдаланишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Бу эса анча мураккаб ва қийин вазифа бўлиб, кўп ҳолларда уларни бир вақтда бажариш имконияти чегараланган. Шу туфайли шундай вазиятни таъминлаш талаб этиладики, шаклланган смета ижтимоий ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир этиши лозим. Мазкур масала мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб доимо ҳукуматнинг алоҳида эътиборида турибди.

Иқтисодий илм соҳаси олдида турган вазифа эса, мазкур ҳолатнинг иқтисодиётда қанчалик ижобий силжишларни таъминлаётганини таҳлил қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш, ривожланишга тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари қидиришдир. Бу эса, ўз навбатида, бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

¹ Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 218 б.

Ғазначилик тизимида ислохотларни амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда вужудга келган ўзига хос вазият иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатишнинг мавжуд концепцияларидан механик тарзда фойдаланиш имконини бермайди ва бу борада ўзига хос бўлган харажатлар сметасини ишлаб чиқишни ҳамда қўллашни тақозо қилади. Бу ўринда, ўзига хослик ва жаҳон тажрибасининг синалган ижобий жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириш талаб этилади.

Республикамизда харажатлар сметасидан самарали фойдаланиш борасидаги асосий камчиликлар бюджет тизимининг кенглиги, харажатлар сметасини тузишнинг ва ғазначилик тизимининг шаффоф эмаслигида намоён бўлмоқда. Айрим ҳолларда харажатлар сметасини шакллантириш тамойилларининг бузилиши, харажатларнинг рағбатлантириш вазифасини тўлақонли бажармаётганлиги ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада бюджет ташкилотларининг молиявий танг ҳолатларга тушишига ҳам юз бермоқда. Булар эса харажатлар сметаси асосида иқтисодиётни ривожлантиришга ижобий таъсир этиш механизми мукаммал эмаслигидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар республикамиз иқтисодий ривожланишида бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш соҳасида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади ва мазкур илмий изланиш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш йўллари, маълум иқтисодий давр учун харажатлар сметааси ғазначилик тизимини оптимал шакллантириш, бюджет қонунчилиги тамойилларининг энг маъқул вариантларини танлаш муаммолари кўпгина мумтоз иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб келинган (А.Смит, Д.Рикардо). Бу муаммо шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан А. Леффер, В.В. Глухов, Э.А. Вознесенский, И.В. Горский, А.З.Дадашев, Н.Г.Иванова, В.И.Колесников, А.А.Родионов, В.Н. Семенов, В.Ф. Столяров, И.И.Столяров, М. Кэмпбелл, А.В.Лобанов кабиларнинг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган.

Худди шу масалаларни ҳал этишнинг айрим йўналишлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар О.Қ. Абдурахмонов, Э.Ф. Гадоев, Ж.Р.Зайналов, Г.К.Саидова, Р.К.Каримов, Т.С.Маликов, М.С.Мирзааҳмедов, М.М.Маҳмудов, О.О.Олимжонов, Б.Н.Хасанов, Н.Х.Ҳайдаров, М.Ш.Шарифхўжаев, М.И.Юлдашев, Қ.А.Яхъёев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган.

Бир пайтнинг ўзида мамлакатимиз иқтисодий фанида шу кунга қадар, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир этиш имкониятини берувчи ва айти пайтда бюджет харажатларининг барқарор, мустаҳкам манбаини шакллантиришга қаратилган харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, харажатлар сметаси воситасида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни тартиблаш механизми, ғазна менежменти, ғазна маъмурчилиги, ғазна назоратига қаратилган комплекс тадқиқ қилишга йўналтирилган махсус илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилгани йўқ.

Илмий ишнинг мақсади. Илмий ишнинг асосий мақсади иқтисодий тараққиётга эришишда бюджет харажатларидан самарали фойдаланишнинг Ўзбекистонга хос бўлган, бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларига тўла мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- харажатлар сметасини тузиш тизимини мавжуд назарияларига таянган ҳолда, уларнинг турли хил оқимлари қоидаларини республикамизда қўллаш чегараларини аниқлаш, мамлакат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметасини республикамизга хос бўлган назарий концепциясини ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан ва республикамиз иқтисодий шароитидан келиб чиқиб харажатлар сметасининг муаммоли жиҳатларини аниқлаш, харажатлар сметасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- харажатларни режалаштиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш ва унинг янги моделларини республикамизда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- бюджет харажатларининг йиғилувчанлик даражасини ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини таклиф этиш;

- ғазна муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларидаги иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи ёки унинг ривожланишига рағбат бермайдиган жиҳатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш.

Ишнинг илмий янгиликлари. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш йўллари, ундаги номутаносибликлар ва камчиликлар аниқланганлиги ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилганлиги, барқарор ривожланишига имкон берувчи харажатлар сметаси воситасида бюджет ташкилотларининг ривожланишига ижобий таъсир этиш йўналишлари ишлаб чиқилганлиги битирув малакавий ишининг илмий янгилигини белгилаб беради. Аниқроқ ҳолда, илмий ишнинг янгиликлари қуйидагиларда ифодаланади:

- бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда ғазначилик тизимида харажатлар сметасига рағбат бериш мақсадида бюджет харажатларидан самарали фойдаланишнинг назарий-услубий асослари ёритилди;

- бюджет харажатларидан фойдаланишга фақат ижтимоий ўсишни рағбатлантириш орқали эмас, балки иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали ҳам ҳисса қўшиши мумкинлиги ёритилди;

- харажатларни асосан истеъмолни тартибга солувчи, чегараловчи ва фискал восита сифатида фойдаланишни чеклаган ҳолда, миллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатидаги бюджет харажатлари ролини кучайтириш йўналишлари кўрсатилди;

- бюджет харажатларининг таъсири иқтисодиёт қуйи субъектлари инвестиция салоҳиятига таъсири ва микродаражадаги меҳнат стимуллари кучайтириш орқали бўлиши кўрсатиб ўтилган;

- бюджет харажатлари сметасини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларидаги ноаниқлик, қарама-қаршилик, такрорийлик, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлувчи ёки унинг ривожланишига рағбат бермайдиган жиҳатлари аниқланди ҳамда ғазначилик қонунчилиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий ишда олдинга сурилган илмий-амалий тусдаги қоида, ғоя, фикр-мулоҳаза, хулоса ва таклифлардан: янги таҳрирдаги ғазначилик тизимини стратегиясини белгилаш; харажатлар сметасини такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган кейинги илмий – тадқиқот ишларини амалга ошириш; «Ғазначилик асослари» курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланилиш мумкин.

БМИ тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ матни 97 бетни ташкил этади.

I БОБ. Бюджет ташкилотларини харажатлар сметаларида давлат харажатларини молиялаштириш тартиби

1.1. Бюджет ташкилотида харажатлар сметасини тузишни зарурияти ва аҳамияти

Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи бюджет ташкилотларига Халқ депутатлари кенгаши сессиясининг қарорларидан ва молия органларининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари ҳақида кўрсатмалар берадилар.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда ҳисобчи ходимлари кенгашини чақирадилар ва сметаларини тузиш тартиби ва муддатлари ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий - хўжалик фаолиятига ва улар томонидан сметаларни тузишга тааллуқли бўлган амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш тартибини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларини албатта амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қилиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя қилиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек сметаларни тузиш, ҳамда смета бланкаларини тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Бир вақтнинг ўзида ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар, болалар, шифохоналарда жой - кунлар, бола-кунлар сони ва х.к.) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Сметалар бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод килишнинг катъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал килиш керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий норматив ҳужжатларига;

- бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришнинг норматив услубига;

- товар ва хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзига қарашли ташкилотларнинг келгуси йил учун сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса.

Жумладан:

- сметага иш ҳақи учун маблағлар бюджет тўғрисидаги маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва нормативларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Хўжалик усули билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи сметаларга бюджет йили харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

- педагоглар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ҳамда ўқув ҳажмига

мувофик тузилган ўқув режаси, тасдиқланган тарификацияга мувофик дафтар текшириш ва синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш меъёрларидан ва х.к.дан келиб чиқилиши керак;

- ходимларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ўтказиладиган харажатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган барча иш ҳақидан олинadиган, қайсики конун ҳужжатларига мувофик давлат ижтимоий суғурта бадаллари тўланадиган, суғурта тўловлари тарифларига асосан сметага киритилади;

- коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари, коммунал хизматлар учун амалдаги баҳо ва тарифлар асосида ҳисобланади;

- ходимларнинг айрим гуруҳдарига уй жойларни ва коммунал хизматларни бепул бериш учун кетадиган харажатлар амалдаги конун ҳужжатларига мувофик белгиланади;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, касб-хунар техника билим юртлири, курслар ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар ва докторантлар стипендияларига кетадиган харажатлар стипендиялар миқдори ва амалдаги стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий-маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар конун ҳужжатлари билан тасдиқланган ташкилотларнинг айрим турлари учун белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш кунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;

- дори-дармонларга кетадиган харажатлар конун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда - ҳар бир жой-кунга, шифохоналарда - шифокорга ҳар бир киришга белгиланади, агар конун ҳужжатларида бошқаси кўрсатилмаган бўлса;

- ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойафзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлар нормалари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида, ҳисобланади.

Юридик шахс макомига эга бўлган ва харажатларнинг бюджет маблағларидан ташқари коплашнинг бошка манбаларига эга бўлган ташкилотларлар ҳам қўшимча даромадлар ва улардан келиб чикадиган харажатларга сметалар тузадилар.

Бу сметалар бўйича даромадлар тушуми қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларга қараб аниқланади.

Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аввалги молия йилининг охириги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда, уларни бошланган молия йилида амалга оширилиши режалаштирилмаган харажатлар суммасига аниқлаштирилган ҳолда, ҳар ойда амалга оширилади;

аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмайди;

аввалги молия йилида амалда бўлган солиқ солиш ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмайди.

Давлат бюджети молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган тақдирда харажатларнинг умумий суммаси молия йили мобайнида қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқлаштирилиши керак.

Ташкилотларнинг харажатлари сметалари уч нусхада тузилади ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳамда ҳисоб ходимлари томонидан имзоланади, сметанинг биринчи нусхаси ташкилотда, иккинчи нусхаси тегишли маҳаллий молия органида қолади ва учинчи нусхаси юқори ташкилотга тақдим этилади.

Тегишли молия органлари сметаларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида вазирликлардан, идоралардан, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимларидан ташкилотлар сметаларини тузиш ва ижро этиш жараёнини тасвирлаган босқичда иловалар ва ҳисоб-китобларни қайтариб бериш шarti билан талаб қилиш ҳуқуқига эга, бюджетдан маблағ олувчилар эса бу ҳисоб-китобларни молия органига биринчи талаб қилиниши биланок тақдим қилишлари шарт.

Ташкилотларнинг бюджет бўйича қабул қилинган сметаларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирлиги, идораси бўйича, ҳокимиятнинг бошқарма бўлими бўйича харажатлар суммаси ёки иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, капитал қўйилмалар ва харажатларнинг бошқа турлари бўйича харажатлар суммаси, қайсики уларнинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетни тасдиқлашда белгиланган, миқдордан ошиб кетган бўлса, вазирлик, идора, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлими раҳбари баъзи бир ташкилотларнинг сметалари бўйича харажатларини тегишинча қисқартириши шарт.

1.2. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси жорий этилиши муносабати билан бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш касса ижроси тартибига ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 - сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарори билан:

- бюджет ташкилотлари харажатларини Давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш тартиби;

- бюджет ташкилотлари томонидан Давлат бюджетидан олинган маблағларнинг сарфланиши тартиби;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби;
- бюджетдан ажратиладиган маблағларни ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш тартиби;
- бюджет ташкилотлари харажатлари ижросини назорат қилиш тартиби;
- бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва молия органлари ваколатлиҳодимларининг жавобгарлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида" 2007 йил 26 февралдаги ПФ-3857-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳукуматнинг ушбу қарорига биноан бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур Тартиб Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ этилади. Мустақил равишда хўжалик ҳисоби фаолиятини юритувчи, бюджетдан белгиланган тартибда дотация ва маблағлар олувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга нисбатан мазкур Тартиб ижро тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) нинг тартиби:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмининг соддалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға қўшимчалар, капиталқўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларининг нормативлар бўйича (фаолият туриға қўра) бюджет ташкилотлари харажатларининг молиялаштириш (тўлаш)нинг янги тартибининг жорий этиш, ғазна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалға ошириладиган бюджет ташкилотлари бундан мустасно;

- Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларини сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;

- бюджет ташкилотлари харажатларининг молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятининг кенгайтириш билан бирға қўшиб олиб бориш;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатининг рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигининг ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутди.

Давлат мудоғаа қобилиятининг, хавфсизлигининг таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва бошқалар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалға оширилади.

Давлат бюджетининг маблағи ҳисобига харажатларнинг қуйидаги гуруҳларитаъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар); II. Иш ҳақиға қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ

рўйхатларға мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалға оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобға олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалға оширилади.

Бюджет ташкилотлари смета ва штатлар жадвалини бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатнинг иқтисодий таснифига биноан харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади.

Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, у сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Халқ таълими муассасалари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвалихудудий молия органлари билан биргаликда тузилади.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки унинг худудий молия органларига тақдим этилади.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни қилишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки худудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ижро учун киритилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари билан қилинилади.

Биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг I - ва II - гуруҳларига киритилган харажатлари молиялаштирилади (тўланади). Бунда харажатларнинг II - гуруҳига тегишли маблағ ўтказилгандан кейин I - гуруҳ харажатларини амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бюджет ташкилотининг ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлса, шу сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига асосан қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетда назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларига асосан тўланади.

Харажатларнинг I - ва II - гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини:

- республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини

- кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

- маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификата ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш: республика бюджетидан - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан - Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

1.3. Бюджет ташкилотларида бюджет харажатларини шакллантириш тартиби

Бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиш йўллари белгилашда уларнинг таркибий тузилиши ва асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет харажатларининг таркибий тузилиш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳасидаги ўрнини аниқ курсатиб беради. Шу билан бирга, бюджет харажатларининг таркибий тузилиши устувор

аҳамиятга эга давлат дастурлари учун мўлжалланган маблағларни ҳам ўзида акс эттиради.

Давлат бюджетидан харажатларни молиялаштириш бюджет кўрсаткичлари доирасида йирик ижтимоий тадбирларни, устувор иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини ҳамда давлат ва миллий дастурларни молиялаштиришни ҳисобга олган ҳодца амалга оширилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президента И Каримов: «...Ҳукуматимиздан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва корхоналар раҳбарларидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ишларни доимий равишда амалга оширишни таъминлаш талаб этилади»,² — дея таъкидлаб ўтган. Ушбу давлат бюджет маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида бошқа соҳаларда ўтказилган иқтисодий ислохотлар қатори давлат молияси соҳасида ҳам, хусусан, давлат бюджети харажатлари таркибида ҳам ўзига хос ўзгаришлар амалга оширилди ва бунинг натижасида кўплаб ютуқларга эришилди.

Бу борада Президентимиз И.Каримов шундай деб таъкидлайди: «...Мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни кўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда.

Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор

²Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. — Т.: Ўзбекистон, 2011. — 486.

қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсаша қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос»³.

Давлат бюджети харажатлари давлат харажатларини ташкил этишга оид тамойиллар асосида амалга оширилади.

1-жадвал


Тошкент шаҳар бюджета харажатлар ижроси⁴

№	Харажат номи	2010			2011		
		режа	ижро	%	режа	ижро	%
1.	Ижтимоий-маданий тадбирларга қилинадиган сарф-харажатларнинг жами	258319419	260676072	100,9	361149633	358224049	99,2
2.1.	Таълим харажатлари	141991829	143060530	100,8	188714096	191295455	101,4
2.2.	Ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш	30776476	30950175	100,6	49642542	46 162 074	93,0
2.3.	Маданият ва оммавий ахборот воситалари	3581094	3526728	98,5	5715454	5 841 795	102,2
2.4.	Фан	66420	63860	96,1	104892	94 495	90,1
2.5.	Соғлиқни сақлаш	78298657	79488965	101,5	112442117	110364073	98,2
2.6.	Жисмоний тарбия	42637	42394	99,4	64769	64767	100,0
2.7.	Ижтимоий таъминот	3562306	3543420	99,5	4465763	4401390	98,6
2.	Иқтисодиёт учун харажатлар	34254670	34711775	101,3	51513676	55913453	108,5
3.	Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари	3669187	3688607	100,5	5064303	5376014	106,2
4.	Фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари	3052133	3187319	104,4	4283085	4373139	102,1
5.	Эхтиёт пул маблағлари	1646583	1668789	101,3	2982455	3346069	112,2
6.	Хар-хил сарф-харажатлар	2215450	4608910	208,0	1455353	5794437	398,1
7.	Мукофотларни, премияларни ва рағбатлантиришни тўлаш харажатлари	630 698	628812	99,7	906733	375530	41,4
8.	Капитал қўйилмалар ва умумий лойиҳалаштириш	37595980	70215749	186,8	97268181	139116018	143,0
9.	Турмуш фаровонлигини ошириш харажатлари	13873121	13857627	99,9	19039339	18875996	99,1
10.	Мудофаа мажмуи, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва бошқа тармоқларнинг маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатлари	11060157	11002481	99,5	13 942423	13922557	99,9
	ХАРАЖАТЛАР ЖАМИ	380023760	417948087	110,0	578702379	626414339	108,2

З.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларми янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2011. — 566.

⁴Тошкент шаҳар молия бошқармаси ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Юқорида келтирилган 1-жадвалда Тошкент шаҳар бюджетидан 2010-2011 молия йилида амалга оширилган харажатлар ижроси келтирилган. Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 молия йилида ижтимоий-маданий тадбирлар учун харажатларни молиялаштиришга 258319419 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 260676072, млн. сўм маблағ, 2011 йилда ушбу харажатларга 361149633 млн. сўм ўрнига 358224049 млн. сўм маблағ ажратилган. Иқтисодиёт харажатларига шаҳар бюджетидан 2010 молия йилида 34254670 млн. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 34711775 млн. сўм, 2011 йилда 51513676 млн. сўм ўрнига 55913453 млн. сўм маблағ ажратилган. Тошкент шаҳар бюджетидан ҳар хил сарф-харажатларга салмоқли миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, 2010 йилда 2215450 млн. сўм ўрнига 4608910 млн. сўм, 2011 йилда 1455353 млн. сўм ўрнига 5794437 млн. сўм маблағ сарфланган.



1-чизма. Давлат бюджети харажатлари шаклланиш тамойиллари

Ушбу тамойиллардан бири — бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш давлат бюджети харажатларининг мақсадли, самарали ва тежамли асосда ўзлаштирилишига катта имконият яратади. Шу нуқтаи назардан ҳам бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет

интизомига риоя қилинишини таъминлаш ва уни кучайтириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бунинг учун зарур бўлган тадбир ва қарорларни жорий қилиш амалдаги бюджет интизомига риоя қилиниши ҳолатини таҳлил қилишни, ундаги мавжуд муаммоларни аниклашни талаб қилади. Уз навбатида, бюджет интизомига риоя қилиш нафақат бюджетдан молиялаштиришни амалга ошириш жараёнига балки бюджетдан харажатларни режаладггириш жараёнига ҳам таллуқли ҳисобланади.

II БОБ. Бюджет ташкилотларида сметани тузиш тартибини амал қилишини ҳолати

2.1. Амалда бюджет ташкилотларида сметани тузиш ва харажатлар сметаси ижроси балансининг хусусиятлари

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, қарори ёки тегишли вилоят, шаҳар, туман Халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган бюджет ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб икки ҳафта ичида (рўйхатдан ўтказиш эса 40 кун муддат ичида) амалга оширилади (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбар (ёки ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган кунини кўрсатилган ҳолда, ҳамда бу ташкилотнинг мухри сметанинг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида смета харажатлари бўйича умумий суммасини юқори ўнг бурчагида кўрсатилган (штатдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг иш ҳақи фондини умумий суммасини ажратиб кўрсатилган) ҳолда расмийлаштирилади.

Сметаларда бюджет маблағларини йил чораклари бўйича тақсимооти тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари чораклар бўйича тақсимотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Сметалар харажатлар гуруҳлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда тузилади.

Илова сметанинг ажралмас кисми хисобланади, сметанинг прогноз хисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва хисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Урнатилган тартибда тасдиқланган бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси юқори ташкилот томонидан тегишли молия органига такдим этилади.

Юқори ташкилотлар - бюджет маблағларини бошқарувчилари томонидан тасдиқланган ҳамда ташкилот рахбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланган бюджет ташкилотларини саклаб туриш харажатлари сметаси белгиланган шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади. Харажатлар сметаси тасдиқланган харажатлар бўйича умуман рўйхатдан ўтказилади, қуйидаги харажатлар гуруҳдари ажратилиши билан:

- а) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;
- б) иш ҳақиға кўшимчалар;
- в) бошқа харажатлар.

Ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди ажратилган меҳнатға ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида рўйхатға олиш учун қабул қилинади.

Стипендия жамғармаси бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига тегишли ҳисоб-китобларға мувофиқ рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

"Бошқа харажатлар" гуруҳи умуман мазкур гуруҳ бўйича харажатларнинг харажатлар сметасида тасдиқланганлигига, харажатлар тўлик ёйиб кўрсатилишиға ҳамда харажатлар сметаси ҳисоб-китобларға мослигини текшириб кўриш билан рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Юқори ташкилот томонидан такдим этилган бюджет ташкилотларини саклаб туриш харажатлари сметаларини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари қуйидагиларни текшириши лозим:

а) бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлови учун харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган суммаларининг, штатлар жадвали бўйича тасдиқланган иш ҳақи суммаларига мувофиқлиги.

Бунда харажатлар сметаси ва иш ҳақи тўлови жамғармаси штатлар жадвалидагидан, иш ҳақи тўлови жамғармаси бўйича ходимлар тўлик тўлдирилмаганлиги ва вақтинчалик меҳнатга яроқсизлиги туфайли тежаб қолingan маблағлар суммасига кам миқдорда тасдиқланиши мумкинлигини кўзда тутиш лозим;

б) моддий рағбатлантириш махсус жамғармасининг тўғри ташкил қилиниши;

в) харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган стипендиялар учун харажатлар суммасини харажатлар сметаси бўйича ҳисоб-китобларга мувофиқдиги;

г) "Бошқа харажатлар" гуруҳи бўйича харажатлар суммасининг харажатлар сметасида тасдиқланган суммага мувофиқдиги.

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари ортиқча харажатларни йўқотишлари лозим. Аниқланган камчиликлар рўйхатдан ўтказилаётган ташкилот томонидан бартараф этилганидан кейингина рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш лозим.

Чорак (йил) охирида бюджет ташкилотларидан ишлатилмай қолган маблағларнинг қолдиғи олиб қўйилмайди, балки бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори иловасининг 22-23 бандларига мувофиқ белгиланган тартибда харажат қилинади.

Бу ҳақда бюджет ташкилотлари тегишли молия органларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет

ташкiлотлари учун белгиланган хисоботлар тартиби бўйича ёзма равишда хабардор қиладилар.

Ташкiлотларнинг сметаларини тўғри тузиш, тасдиқдаш ва ўз вақтида уларга етказишнинг тўғрилигини текшириш натижалари мунтазам равишда умумлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари хайъатларида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош молия бошкармалари кенгашларида кўрилиб борилади ва ушбу ишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.

Сметаларни режалаштириш аҳволини текшириш натижалари ҳар йили тегишли молия йилининг биринчи чораги ва ярим йиллик бюджетларнинг ижроси ҳақидаги хисоботга илова қилинадиган ва молия органлари томонидан тақдим этиладиган тушунтириш хатида ёритилади.

Маблағларнинг таркиби ва уларнинг манбалари туғрисидаги маълумотларни умумлаштириш харажатлар сметалари ижросининг балансида келтирилади. Балансда маълум санага бўлган мактабнинг ҳамма маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари қайд қилинади.

Мактаб харажатлар сметасининг ижроси бўйича баланс бир томонли ёки икки томонли шаклдаги жадвал кўринишида тақдим этилиши мумкин. Жадвалнинг бир қисмида маблағларнинг турлари ёки жойланиши ва фойдаланиш бўйича қайд қилинса, бошқа қисмида эса мактаб маблағларининг ташкил этилиш манбалари бўйича қайд қилинади. Мактаб маблағларининг турлари, жойланиши ва фойдаланиш бўйича қайд қилинадиган қисми баланснинг активи деб аталади.

Маблағлар, уларнинг ташкил топиш манбалари бўйича қайд қилинадиган баланснинг бошқа қисми баланснинг пассиви деб аталади.

Мактаб балансининг тузилиши хўжалик юритувчи субъектнинг баланси тузилишидан жиддий равишда фарқ қиладди. Мактаблар ўзларининг фаолиятини амалга ошириш учун керакли маблағларни бюджетдан олади, шунинг учун ҳам улар ўзларининг айланма маблағларига эга бўлмайди ва банкдан ссудалар ололмайди.

Мактабнинг балансида «Низом фонди» счёти йўқ. Баланснинг активидаги «Асосий воситалар» счётидаги маълумотларга баланснинг пассивидаги «Асосий воситалардаги фонд» ва «Асосий воситаларнинг эскириши» сётларидаги маълумотлар тўғри келади, баланснинг активидаги «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» сётининг маълумотлари эса баланснинг пассивидаги «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд» сёттидаги маълумотларга тўғри келади. Барча моддий қийматликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағлар баланс пассивидаги умумий коида бўйича бюджетдан молиялаштириш ва махсус маблағларнинг даромадлари ҳамда қисман кредиторлик қарзлари билан қопланади.

Мактабнинг харажатлар сметасининг ижроси бўйича баланс бюджетдан молиялаштириладиган харажатлар сметасининг ижросини, махсус маблағлар бўйича сметаларнинг ижросини ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар билан операцияларни кўрсатади.

Мактабнинг харажатлар сметаларини ижроси бўйича балансини активида: мактабга тегишли бўлган асосий воситалар, шу жумладан, ижарага берилганлари ҳам; моддий захиралар (омборга келиб туштанлари ҳам, йўлда бўлганлари ҳам); мактабнинг банкдаги сётларидаги ва кассадаги пул маблағлари; ҳисобдор шахслар ва дебиторлар билан ҳисоб-китоблар; мактабни сакдашга қилинган харажатлар; мактаб таркибига кирувчи низомга эга бўлмаган хўжаликларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва зарарлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Мактабнинг харажатлар сметаларини ижроси бўйича балансини пассивида: бюджетдан молиялаштириш; махсус даромадлар; асосий воситалардаги фонд; кам бахрли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд; иш ҳақи бўйича ишчи ва хизматчилар билан тугалланмаган ҳисоб-китоблар; кредиторлар билан ҳисоб-китоблар; мактаб таркибига кирувчи низомга эга бўлмаган ёрдамчи хўжаликларнинг даромадлари ва фойдалари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Мактаб харажатлар сметасининг ижроси бўйича баланси шундай тузиш керакки, маълум санага харажатлар сметасининг ижроси жараёнининг ҳолати кўриниб турадиган бўлсин. У мактабнинг мавжуд бўлган пул маблағларини, моддий захираларини, харажатларини ва ҳисоб-китобларини ва бу маблағларнинг манбаларини, яъни, бюджетдан молиялаштириш миқдорини ва бошқа манбаларни тўла тасвирлайди.

2.2. Бюджет харажатларини режалаштириш жараёнида ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизомига риоя этиш хусусиятлари

Бугунги кунда мамлакатдаги мавжуд аҳволни ўрганиб чиқиб, бюджет харажатларини режалаштириш жараёнида ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизоми тузилишининг қуйидаги ўзига хос кўринишларини келтириш мумкин:

1) бюджетнинг иккинчи даражали харажатларини маблағ билан таъминлаш оқибатида биринчи даражадаги тадбирларга маблағ йўналтиришни кечиктириш;

2) маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет маблағлари сарфланишига ўринсиз аралашуви, яъни маблағларни бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтириш;

3) иш ҳақи, хўжалик харажатлари бўйича белгиланган бюджет меъёрларини ошириб бориш;

4) бюджет маблағларини бир моддадан иккинчи моддага ўтказиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланиш.

Бюджет маблағларининг маҳаллий бюджетлар параметрларида белгиланган харажатларга тарқатиб юборилиши, биринчи даражали бўлган иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендия тўловлари, даволаш ва таълим муассасаларига озиқ-овқат, дори-дармон, ёқилғи-энергия ресурсларини етказиб беришда жиддий салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддаси билан Молия вазирлиги ва бошқа молия органларга турли даражадаги бюджетлар ижроси ни кўриб чиқиш, бюджет маблағлари олувчилар молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилиш ва текширувдан ўтказиш ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолияти юзасидан таҳсил ва текширишлар ўтказишда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори талаб этилмайди.

Бундай муассасаларда таҳсил ва текширишлар Молия вазирлиги ва бошқа молия органларининг иш режаси асосида, баъзи ҳолатларда эса режасиз амалга оширилади.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижасида бюджет амалиётида бюджет маблағларидан фойдаланишда бюджет интизоми бузилишининг куйидаги қуринишларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1) биринчи даражали тўловларни (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафакдлар ва стипендиялар) ўз вақтида молиялаштирилмаслиги ҳамда нақд пул билан таъминланмаслиги, тўлов муддатларини кечиктириш;

2) бюджет параметрларига ва харажатлар сметаларидаги лимитларга амал қилмаслик натижасида иш ҳақи, коммунал хизматлар ва хўжалик харажатларидан ортиқча харажатларга йўл қўйиш;

3) бюджет муассасаларининг харажатлар сметаларида кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш ва бюджет маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

4) бюджет муассасаларининг раҳбарлари томонидан штат-смета интизомига риоя қилмаслик, ортиқча штат бирликларидан фойдаланиш, иш

ҳақларини белгиланган миқдорларини ошириб юбориш, ишламаган ходимларга ҳақ тўлаш;

5) ўз-ўзини бошқариш органлари (махалла кўмиталари) орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган ижтимоий нафақаларни тайинлашдаги турли маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчиликка йўл қуйиш ҳамда уларни тўлаш даврида банк муассасалари ходимлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари ходимлари билан бирга турли қонунбузарликларга ва давлат маблағларини ўзлаштиришга йўл қўйиш.

6) маҳаллий ҳоқимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуви натижасида бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қурилиш, таъмирлаш ишларига, автомобиллар, дабдабали жихозлар сотиб олишга ҳамда турли тадбирлар ўтказишга сарфлаш;

7) моддий жавобгар шахслар томонидан ўз жавобгарлигидаги моддий қимматликлар ва нақд пулларда қамомадларга ҳамда талон-тарожликларга йўл қўйиш ва ҳ.к.

8) бюджет маблағлари ҳисобига капитал қурилишни амалга оширишда пудрат ташкилотлари томонидан белгиланган лимитлардан ортиқча иш бажаришга, нархлар қимматлашувининг индексини ошиб кетишига ва натижада қурилиш объекти қийматининг қимматлашувига йўл қўйиш.

Таҳлил маълумотларига кўра, айрим вилоятларда туман ва шаҳарлар бўйича маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланувчи умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 2011 йилда ажратилган бюджет маблағлари тақсимоотида белгиланган тартибга риоя қилинмаган.

Бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси тасдиқлангач, коммунал хизматлар, газ ва электр энергияси учун шартномалар тузиш, шартномаларда ушбу хизматларга фақат белгиланган лимитлар доирасида ойма-ой ҳисоб-китоб қилиниши, лимитдан ортиқча суммага кўрсатилган хизматга маблағ ажратилмаслиги алоҳида белгиланган бўлиб, ушбу тартибга амал қилмаслик

бюджет ташкилотларида кредиторлик қарзларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мухтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган асосий устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда ижобий натижага эришиш кўп жиҳатдан бюджет маблағларидан самарали ва ўринли фойдаланиш билан белгиланади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишда бюджет интизомига алоҳида эътибор қаратиш, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш шароитида белгиланган лимитлар доирасида сарф-харажатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. ШУ мақсадда:

- бюджет ташкилотлари мансабдор шахсларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш юзасидан дунёқарашини ўзгартириш лозим. Бунинг учун уларнинг иқтисодий эркинлигини оширган ҳолда бюджет маблағларидан тежаб фойдаланишга ўргатиш зарур;

- бюджет ташкилотларида фойдаланилмаётган асосий воситани ижарага беришдан олинadиган даромаднинг тақсимланиш нисбатини қайта куриб чиқиш лозим.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан мақсадли ва ўринли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

2.3. Бюджет харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш ҳолатлари ва харажатлар сметалари ижроси жорий ҳисобининг счетлар режасининг тайинланиши

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ва сметаларни тасдиқлаш ҳукукига эга булган бошқа ташкилотлар уз каромокларида булган ташкилотлардан келиб тушган умумий ва алоҳида

харажатлар сметасини куйидаги тартибда кўриб чиқилишини таъминлайдилар:

а) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бюджети лойҳаси тегишли идораларда кўриб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликлари, маҳаллий молия бошқармалари ва бўлимлари Ўзбекистон республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликлари ва идораларига, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралар бўйича харажатларини коплашга белгиланган маблағларнинг суммасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бўйича эса жами тармоқлар бўйича, бюджетни қуришда қабул қилинган суммаларни, иш ххаки, иш хакига ажратма капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетни тасдиқлаш пайтида энг куп миқдорлари белгиланадиган бошқа харажатлар хакида зудлик билан хабар қиладилар;

б) Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари молия идоралари томонидан хабар қилинган тегишли тармоқлар бўйича маблағар доирасида, бюджет ташкилотларининг буйсунувидан ва харажат меъёрларидан келиб чиқиб, уз қарамоқларидаги ташкилотларга республика, вилоят (Тошкент шаҳар) бюджети ва вилоят буйсунувидаги туман ва шаҳар, шунингдек шаҳар буйсунувидаги туманлар бюджетлари бўйича маблағларнинг ҳажмини алоҳида етказди.

в) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликлари ва идоралари, ҳокимиятлар бошқарма ва бўлимларининг раҳбарлари уларга буйсунувчи, тегишинча Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида, вилоят, туман ва шаҳарлар (шаҳарга буйсунувчи туманлар) бюджетларида турувчи ташкилотлар сметалари лойиҳаларини кўриб чиқадилар ва харажатларини ташкилотлар сметалари бўйича тегишли бюджетларда (бу банднинг "а" ва

"б" кичик бандлари) турган вазирлик, ташкилотлар, бошқарама ва булимлар учун белгиланган маблағлар доирасида қабул қиладилар.

Ташкилотлар томонидан тақдим этилган сметалар керак булган ҳолларда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқиши керак. Бунда сметаларни кўриб чикувчи ташкилотлар қуйидагиларни таъминлашлари зарур:

- амалдаги қонун ҳужжатларига шунингдек келгуси йил сметаларини тузиш бўйича курсатмаларга қатъий амал қилиш;

- заруратсиз ажратмаларни сметаларга киритилишига йул қуймаган ҳолда иқтисод қилиш тартибига амал қилиш;

- харажатлар сметасида қабул қилинган курсаткичларни мазкур бюджет ташкилотнинг режалаштирилаётган йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш лойиҳаи кўрсаткичларига тулик мос қилиши;

- сметаларда белгиланган маблағларни айрим тадбирларнинг утқазиш муддатларни ва уларни молиялаштиришни таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, қоракрлар бўйича тақсимлаш;

- Ҳисоб-қитоблар ва асослар билан тақдирланмаган суммаларни харажатлар сметаларда қабул қилишга йул қуймаслик.

Агар ташкилотларнинг бюджет бўйича қабул қилинган сметаларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идораси, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлимлари бўйича харажатлар суммаси ёки иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва харажатларнинг бошқа турлари бўйича харажатлар суммаси, бунда уларнинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетни таққлашда белгиланган миқдордан ошиб қетган бўлса, вазирлик, идора, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлими раҳбари баъзи бир ташкилотларнинг сметалари бўйича харажатларни қисқартириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ва ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимлари томонидан қабул қилинадиган харажатлар суммаси

карамокларидаги ташкилотларнинг сметаларини кўриб чиқиш пайтида вазирликлар, идоралар, бошқармалар ва булимлар томонидан фақат уларга мўлжалланган нусхасида "жами тасдиқланган" сатри бўйича кўрсатилади.

Ўз қармоғида бўлган бюджет ташкилотлари сметаларининг марказлаштирилган харажатлар сметасини, вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг бошқарма ва бўлимлари бўйича сметаларни кўриб чиққандан кейин Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари идоралари, ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари давлат бюджетининг харажатлар таснифига мувофиқ, тегишли бюджет боблари параграфлари, объектлари ва кичик объектлари бўйича харажатларнинг умумлаштирилган умумий сметасини тузадилар, харажатларни амалга ошириш муддати ва мавсумийлигига қараб умумлаштирилган смета харажатларини ҳар бир параграфи, объектлар тури ва кичик объектлар бўйича ва йилнинг чораклари бўйича тақсимотларини белгилайдилар.

Бир вақтнинг ўзида смета ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобланади ҳамда уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларига мослиги текширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ташкилотларнинг сметалари бўйича ишларни якунлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон молия вазирликларига ва тегишли молия бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимиятлар томонидан белгиланган муддатларга келгуси йил бюджети бўйича қуйидаги материалларни:

а) барча сметалар бўйича харажатлар йигиндисини бюджет таснифининг боблари, параграфлари, турлари, объектлари ва кичик объектлари бўйича ва йилнинг чораклари бўйича бўлинган ҳолатда;

б) йиллик бюджет билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги белгилаган шаклларга (тармоқлар, штатлар, ва контингентлар)

асосан ташкилотлар гуруҳи бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлари бўйича такдим этадилар.

Бундан ташкари молия органларининг талабига қараб айрим бюджет ташкилотлари бўйича харажатлар сметасига иловалар ҳамда ҳисоб-китоблар текшириш ва таҳлил этиш учун такдим этилади ҳамда улар кейинчалик молия органларига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари, тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари такдим этилган материалларни умумий харажатлар сметаси, яъни ҳукумат томонидан ёки юқори ташкилот томонидан белгиланган иш ҳақи, уларга ажратмалар бўйича, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар турларининг ҳажмини Ҳукумат томонидан бюджет тасдиqlанаётганда, бюджетни тузиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан белгиланган ҳажмлари доирасида текширадилар.

Бу талаблар бажарилмаган тақдирда молия органлари вазирликлар, идоралар, ҳокимият бошқармалари ва бўлимларига, тасаруфларидаги муассасаларнинг сметалари бўйича харажатларини қисқартиришни таклиф қилиши керак.

Мактабда содир бўлган барча операцияларнинг жорий бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиqlанган счётлар режаси (рўйхати) белгиланган тизими бўйича олиб борилади. Операциялар бошланғич ҳужжатларда қайд қилинади, кейин ҳужжатлардаги ёзувлар счётлар бўйича тарқатилади ва бухгалтерия балансида умумлаштирилади.

Счётлар режаси — бу мактабнинг операцияларини жорий бухгалтерия ҳисоби учун тайинланган ва маълум тартибда рақамланган бухгалтерия ҳисобининг биринчи тартибли ва иккинчи тартибли счётларининг тизимга солинган рўйхатидир. Счётлар биринчи тартибли счётларга (синтетик счётларга) ва иккинчи тартибли счётларга (субсчётларга) бўлинади. Мактабларда операцияларнинг синтетик ҳисоби иккинчи тартибли счётлар

(субсчётлар) бўйича олиб борилади, шунинг учун ҳам жорий ҳисобда одатда счётнинг уч хонали рақами қўлланилади. Агар биринчи тартибли счёт иккинчи тартибли счётларга (субсчётларга) бўлинмаган бўлса, у ҳолда уларнинг икки хонали рақамига ноль қўшиб қўлланилади. Жорий бухгалтерия ҳисобида счётлар рўйхатида белгиланган рақамланишларига ва номларига мувофиқ мазкур мактабга керак бўлган счётлар (субсчётлар) аникланади ва шу счётларгина очилади ва қўлланилади.

Бюджет ташкилотларининг ягона счётлар рўйхати тартиб йўсин усулига хос равишда рақамланган. Бунинг мазмуни шуни билдирадики, бўлимлар рим рақамлари билан рақамланади, счётлар эса араб рақамлари билан рақамланади.

Счётлар режаси қуйидаги бўлимлардан иборат:

- I. Асосий воситалар;
- II. Материал захиралар;
- III. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар;
- IV. Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинган харажатлар;
- V. Пул маблағлари;
- VI. Молиялаштиришга дойр идоралар ичидаги ҳисоб-китоблар;
- VII. Ҳисоб-китоблар;
- VIII. Харажатлар;
- IX. Молиялаштириш;
- X. Фондлар ва махсус мақсадларга тайинланган маблағлар;
- XI. Маҳсулотларни сотиш;
- XII. Даромадлар. Балансдан ташқари счётлар.

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисобини счётлар режаси (рўйхати)

I бўлим. Асосий воситалар

01 - Асосий воситалар

010 - Бинолар.

011 - Иншоотлар.

- 012 - Узаткич қурилмалари.
- 013 - Машиналар ва ускуналар.
- 015 - Транспорт воситалари.
- 016 - Асбоблар, ишлаб чиқариш (жиҳозлари билан бирга) ва хўжалик инвентарлари. 017 - Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар.
- 018 - Кутубхона фондлари.
- 019 - Бошқа асосий воситалар, 02 - Асосий воситаларнинг эскириши
- 020 - Асосий воситаларнинг эскириши.
- II бўлим. Материал захиралар
- 03 - Буюмлар ва маҳсулотлар
- 030 - Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг буюмлари.
- 031 - Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжаликларининг маҳсулотлари.
- 04 - Илмий-тадқиқотлар учун ускуналар, қўрилиш материаллари ва материаллар
- 040 - Ўрнатиладиган ускуналар. 041 - Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари.
- 043 - Илмий-тадқиқотларда ва лаборатория синовларида узоқ вақт. фойдаланиладиган материаллар.
- 044 - Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус ускуналар.
- 05 - Ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган моллар 050 - Ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган моллар.
- 06 - Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари
- 060 - Ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар.
- 061 - Озиқ-овқат маҳсулотлари.
- 062 - Дори-дармонлар ва яра боғлаш воситалари,
- 063 - Хўжалик материаллари ва идора буюмлари.
- 064 - Ёнилғи, ёқилғи ва мойлаш материаллари.
- 065 - Озуқа ва ем-хашак.
- 066 - Идишлар.

067 - Бошқа материаллар.

068 - Йўлдаги материаллар.

069 - Машина ва ускуналар учун захира қисмлар.

III бўлим. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар

07 - Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар

070 - Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар.

071 - Фойдаланишдаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар.

072 - Омбордаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар.

073 - Фойдаланишдаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар.

IV бўлим. Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга килинган харажатлар

08 - Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга килинган харажатлар

080 - Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг харажатлари.

081 - Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжаликларининг харажатлари.

082 - Шартнома асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг харажатлари.

083 - Экспериментал қурилмаларни тайёрлаш харажатлари.

084 - Материалларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари.

V бўлим. Пул маблағлари

09 - Республика бюджети бўйича талаб килиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари

090 - Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб килиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

091 - Республика бюджети бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб килиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи. 093 - Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб килиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

096 - Бошқа бюджетлар ҳисобидан талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари.

10 - Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари

100 - Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

101 - Тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

103 - Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

11 - Бюджетдан ташқари маблағларнинг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари

110 - Топширикдарга дойр суммалар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

111 - Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

112 - Бюджетдан ташқари бошқа маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

114 - Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди-бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи.

118 - Валюта ҳисобварағи.

12 - Касса

120 - Касса.

13 - Бошқа пул маблағлари 130 - Аккредитивлар.

132 - Пул ҳужжатлари.

133 - Корпоратив карточкалар.

134 - Молиявий қўйилмалар фонди.

135-Бюджет ташкилотларининг бошқа депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари.

137 - Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун йўналтирилган бюджет маблағлари

VI бўлим. Молиялаштиришга дойр идоралар ичидаги

хисоб-китоблар

14 - Молиялаштиришга дойр идоралар ичидаги хисоб-китоблар

140 - Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга дойр хисоб-китоблар (Ғазначиликка ўтиш шароитида:

147- «Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдидаги мажбурият»).

142 - Бошқа бюджетлар ҳисобидан молиялаштиришга

дойр хисоб-китоблар.

143 - Капитал куиилмаларни бюджетдан молиялаштиришга дойр хисоб-китоблар.

VII бўлим. Ҳисоб-ки тоблар

15- Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар

150 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар.

152 - Бюджет тематикасига тегишли тажриба-конструкторлик буюртмаларини қисман тўлашга дойр хисоб-китоблар.

153 - Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар.

154 - Тўланиши лозим бўлган илмий-тадқиқот ишлари

бўйича буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар.

155 - Илмий-тадқиқот ишлари учун бўнақлар бўйича

буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар.

156 - Хўжалик шартномаси асосида бажарилаётган ишларни бажаришга жалб қилинган ҳамижрочилар билан ҳисоб-китоблар.

157 - Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар.

16 - Ҳисобдор шахслар билан хисоб-китоблар

- 160 - Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар.
- 17 - Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар
- 170 - Камомадларга доир ҳисоб-китоблар.
- 171 - Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақага доир ҳисоб-китоблар.
- 172 - Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар.
- 173 - Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар.
- 174 - Депозит суммаларга доир ҳисоб-китоблар.
- 175 - Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар.
- 176 - Топшириқлар бўйича харажат қилишга олинган маблағларга доир ҳисоб-китоблар.
- 177 - Депонентлар билан ҳисоб-китоблар.
- 178 - Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.
- 179 - Рсжали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар.
- 18 - Ишчи ва хизматчилар ҳамда стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар
- 180 - Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар.
- 181 - Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар.
- 182 - Кредитга сотилган моллар учун ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар.
- 183 - Банкдаги жамғармалар ҳисобларига нақд пулсиз ўтказишлар бўйича ишчи ва хизматлар билан ҳисоб-китоблар.
- 184 - Ихтиёрий суғурта шартномалари асосида тўловларни нақд пулсиз ўтказишлар бўйича ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар.
- 185 - Касаба уюшмасига аъзолик тўлови суммаларини нақд пулсиз ўтказишлар бўйича касаба уюшма аъзолари билан ҳисоб-китоблар.
- 186 - Банк ссудалари бўйича ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар

187 - Ижро ҳужжатлари ва бошқа ушланмалар бўйича ҳисоб-китоблар.

188 - Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар.

189 - Бажарилган ишлар учун бошқа ҳисоб-китоблар.

19 - Пенсия ва нафақалар тўлаш ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар

190 - Ходимлар билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар

198/1 - Суғурта тўловлари (2,5%) бўйича Пенсия фонди билан ҳисоб-китоблар

198/2 - Бюджетдан ташқари Пенсия фондига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (0,7фоиз)

198/3 - Ижтимоий тўловлар бўйича Пенсия фонди билан ҳисоб-китоблар

VIII бўлим. Харажатлар

20 - Бюджет бўйича харажатлар

200 - Ташкилотни сакдашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар (Ғазначиликка ўтиш шароитида: 214 -«Бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари»).

202 - Бошқа бюджетлар ҳисобидан харажатлар.

203 - Капитал қўйилмаларга бюджет бўйича харажатлар. 205 - Республика бюджети ҳисобидан пенсия ва нафақалар тўлашга қилинган харажатлар.

21 - Бошқа харажатлар

210 - Тақсимланадиган харажатлар.

211 - Махсус маблағлар бўйича харажатлар.

212 - Капитал қўйилмаларга ва ускуналар сотиб олишга махсус маблағлар бўйича харажатлар.

213 - Бошқа маблағлар бўйича харажатлар.

215 - Бюджетдан ташқари фондлар бўйича харажатлар.

216 - Капитал қўйилмаларга бюджетдан ташкари фондлар ҳисобидан харажатлар.

217 - Ишлаб чиқариш фаолияти маблағлари ҳисобидан харажатлар.

IX бўлим. Молиялаштириш

23-Молиялаштириш

230 - Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш (Ғазначиликка ўтиш шароитида: 237- «Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдидаги мажбу-рият»).

231 - Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш.

232 - Бошқа бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш.

236 - Болалар ташкилотини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари.

238 - Ташкилотни сақлашга бошқа маблағлар.

X бўлим. Фондлар ва махсус мақсадга тайинланган маблағлар

24 - Фондлар ва махсус мақсадга тайинланган маблағлар

240 - Моддий рағбатлантириш фонди.

241 - Ягона меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

245 - Декабр ойи иккинчи ярмининг меҳнат ҳақини муддатидан олдин тўлаш учун банкдан олинган маблағлар.

246 - Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди.

248 - Банкларнинг кредитлари.

249 - Материал ва унга тенглаштирилган харажатлар.

25 - Асосий воситалардаги фонд

250 - Асосий воситалардаги фонд.

26 - Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд

260 - Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд.

27 - Молиявий маблағлар фондлари

270 - Ягона молиявий маблағлар фонди.

271 - Марказлаштирилган фондлар ва молиявий захи-
ралар.

272 - Бюджетдан ташқари фондлар.

275 - Кредиторлик қарзларкни, биринчи навбатда, тўлаш учун захира.

XI бўлим. Маҳсулотларни сотиш

28 - Маҳсулотларни, буюмларни ва бажарилган ишларни сотиш

280 - Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг буюмларини сотиш.

281 - Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжаликларининг маҳсулотларини сотиш.

282 - Шартнома асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишларини сотиш.

XII бўлим. Даромадлар

40 - Даромадлар

400 - Махсус ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар.

402 - Касб-ҳунар-техника билим юртлирининг ишлаб чиқариш
фаолиятининг даромадлари.

41 - Фойда ва зарарлар

410 - Фойда ва зарарлар.

460 - Ўтказилган сафар харажатлари.

461 - Ўтказилган бошқа нақд пулда олинмиш керак бўлган
тўловлар.

480 - Ўтказилган иш ҳақи.

481 - Ўтказилган стипендия.

498 - Ўтказилган нафақа ва бошқа тўловлар.

Балансдан ташқари счётлар

01 - Ижарага олинган асосий воситалар.

02 - Масъул сақлаб беришга қабул қилинган товар-материал
қийматликлар.

04 - Қатъий ҳисоботдаги иш қоғоз(бланк)лари.

05 - Тўлашга лаёқатсиз дебиторларнинг ҳисобдан чиқарилган қарзлари.

06 - Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган материал
қийматликлар.

07 - Қайтариб берилмаган материал қийматликлар бўйича
ўқувчилар ва талабаларнинг қарзлари.

08 - Кучма спорт совринлари ва кубоклари.

09 - Йўлланма(путёвка)лар.

10 - Пенсия ва нафақалар тўғрисидаги қонунларни нотўғри қўлланилиши ҳамда ҳисоблашда қўйилган хатолар натижасида ортиқча тўлаб юборилган пенсия ва нафақалар.

11 - Ҳарбий техниканинг ўқув буюмлари.

12 - Ишчи ва хизматчиларга берилган ссудалар.

Ғазначиликка ўтиш жараёнида бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби счётлар режасига вақтинча киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар

Эски субсчётлар ўрнига янги субсчётлар киритилди

230- «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» субсчёти ўрнига 237-«Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдидаги мажбурият» субсчёти киритилди; 140- «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти ўрнига 147- «Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдидаги мажбурият» субсчёти киритилди; 200 - «Ташкилотни сакдашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти ўрнига 214- «Бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари» субсчёти киритилди.

Янги субсчётлар киритилди

290- «Жорий молия йилида келиб тушган бюджет маблағлари олувчиларнинг аввалги йилдаги дебитор қарзлари» субсчёти;

291-«Болаларнинг овқатланиши учун мактабгача болалар ташкилотларига ота-оналар тўловлари бўйича келиб тушган маблағлар» субсчёти;

292-«Бюджет маблағлари олувчиларнинг ходимларини ижтимоий тўловлари бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағлари ҳисобидан қопланадиган нафақа ва пенсияларни тўлаш учун келиб тушган маблағлар» субсчёти;

293-«Текшириш натижалари бўйича аникланган материаллар ва моддий қийматликларнинг ортиқчалари бўйича келиб тушган суммалар» субсчёти;

294-«Юқори бюджет маблағлари олувчилардан қуйи бюджет маблағлари олувчиларга марказлаштирилган тартибда ёки бепул берилган моддий қийматликлар суммалари» субсчёти.

III БОБ. Бюджет ташкилотларида давлат харажатларини режалаштиришни ривожлантириш йўллари

3.1. Бюджет ташкилотларида харажатлар сметасини тузиш тартибига таъсир этувчи омиллар

Ҳар бир ташкилот, муассаса молиялаштириш манбаси қайси даражадаги бюджет бўлишидан қатъий назар (республика бюджети, ҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджети ёки шаҳар ва туман маҳаллий бюджети) муайян бир давр учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

Бюджет маблағларнинг корхона ва муассасалар уз асосий фаолиятини амалга ошириши, тўлақонли ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши улар тузаётган сметаларни эҳтиёждан келиб чиқиб, талаб даражасида, маблағларнинг мақсадли ва бу маблағларда самарали фойдаланиш асосида режалаштириладиган смета харажатларига боғлиқ.

Ташкилот ва муассасалар ўз ҳисобхонасига эга бўлиши ёки марказлашган ҳисобхоналар томонидан ҳисоб китоб ишлари юритилишидан қатъий назар ўз индивудал харажатлар сметасига эга бўладилар.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан молиялаштириш нормативларига

асосланган ҳолда тасдиқланган намунавий штатлар асосида сметалар, шунингдек штатлар жадваллари мустақил ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бюджет маблағларининг тасдиқланган сметалари бўлмаган ҳолда, ёки сметаларда кўрсатилмаган тадбирларга маблағлар йўналтирилишга ундалса, ҳамда умумий смета бўйича, харажатларнинг алоҳида турлари бўйича смета йўналишидан ортиқча бўлган суммалар харажатлари - тақиқланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи бюджет ташкилотлари бўйича сметалар бир йиллик муддатга 1 январдан 31 декабргача тузилади ва амал қилади. Жорий йилда ишга тушириладиган ёки мавсумий ташкилотлар бўйича эса уларнинг бюджет йилида ишлаган муддатига тузилади.

Бюджет маблағини олувчилар Ғазначилик тизими билан босқичма босқич камраб олинаётганлиги сабабли харажатлар сметалари ойма-ой тақсимланиши керак бўлади. Ғазначилик бўлинмаларида йил бошида жорий йил учун смета харажатлари тасдиқланиб рўйхатдан ўтгунга қадар ўтган йилги 4-чорак харажатлари режасидан келиб чиқиб тузилган Вақтинчалик сметалар асосида иш олиб борилади. Ушбу Вақтинчалик сметалар ҳам молия органи томонидан тасдиқланган ҳолда ўтган йилнинг декабр оyi охиригача Ғазначилик органига кўндирилиши шарт.

Сметалар Ўзбекистон республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳи бўйича бошқа харажатлар ва уларнинг ҳисоб-китобинини ўз ичига олган тўлиқ ёйилмаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар асосида тузилади.

Сметалар бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бюджет харажатларни ҳисоблаб чиқиш қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий меъёрий ҳужжатларига;

- бюджет ташкилотларини харажатларини реаллаштиришнинг норматив услубига;

- товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзига қарашли ташкилотларнинг келгуси йил учун сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, амалга оширилади.

Жумладан:

- сметага иш ҳақи учун маблағлар бюджет тўғрисидаги маошлар ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва нормативларга риоя қилишдан келиб чиқиб, киритилади. Хўжалик усули билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи сметаларига бюджет йили харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

- педагоглар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ҳамда ўқув ҳажмига мувофиқ тузилган ўқув режаси, тасдиқланган тарификацияга мувофиқ дафтар текшириш ва синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш меъёрларидан ва хоказолардан келиб чиқиши керак;

- ходимларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий сугуртасига ўтказиладиган харажатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган барча иш ҳақидан олиннадиган, қайсики қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий сугурта бадаллари тўланадиган сугурта тўловлари тарифларига асосан сметага киритилади.

- коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари коммунал хизматлар учун амалдаги баҳо ва тарифлар асосида ҳисобланади;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-хунар техника билим юртлари, курслар ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар ва докторантлар стипендияларига кетадиган харажатлар, стипендиялар миқдори ва амалдаги стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган ташкилотларнинг айрим турлари учун белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш қунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;

- дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб;

- ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пояфзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлар нормалари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларнинг бюджет маблағларидан ташқари қоплашнинг бошқа манбаъларига эга бўлган ташкилотлар ҳам қўшимча даромадлар ва улардан келиб чиқадиган харажатларга сметалар тузадилар.

Туман, шаҳар, шаҳарга бўйсинувчи туманлар бюджетларида турувчи ва марказлашган бухгалтериялар орқали хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар бўйича, айрим ҳолларда умумий харажатлар сметалари (умуман бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича):

- бир турдаги кичик ташкилотлар бўйича - ветеринария участка ва пунктлари, қишлоқ клублари, кутубхоналар, фельдшер-акушерлик пунктлари ва кичик ташкилотлар бўйича;

- бир турдаги йирик ташкилотлар бўйича, қачонки уларга хўжалик хизматларини кўрсатиш марказлашган ҳолда хўжалик хизматларини кўрсатишнинг махсус гуруҳлари орқали амалга оширилса;

- тегишли ҳокимятларнинг аппарати ва уларнинг бўлимларини сақлашга тузилиши мумкин.

Умумий смета бир турдаги ташкилотлар гуруҳини сақлаш харажатларига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмини мақсадли йўналишини ва чораклар бўйича тақсимотини белгиловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимятларининг тегишли бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари умумий сметаларда кўрсатилган маблағларни тақсимот қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Умумий сметалар, хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг раҳбарларидан олинган буюртмалар марказлашган бухгалтерияда мавжуд бўлган иктисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ қабул қилинган ҳисоб-китоб ва ҳисобот маълумотлари асосида марказлашган бухгалтерия томонидан тузилади:

Умумий сметаларни тузиш учун ҳокимятларнинг бошқарма ва бўлимлари томонидан белгиланган шакллар ёки кўрсаткичлар рўйхати бўйича харажатларнинг гуруҳлари бўйича ва сметаларга қилинган ҳисобларни илоа қилган ҳолда ташкилотлар томонидан тақдим қилинади.

Ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар марказлашган бухгалтериялар томонидан тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида олдиндан кўриб чиқилади ва умумий сметаларни тузишда ҳисобга олинади.

Иш ҳақи бўйича умумий сметага белгиланган тартибда тасдиқланган штатлар жадвали ва тарификация руйхатлари илова қилинади.

Марказлашган бухгалтерия томонидан тузилган умумий сметаларнинг лойиҳалари туман, шаҳар ҳокимятларининг тегишли бўлимлари раҳбарлари томонидан тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Марказлашган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг харажатлар сметалари марказлашган бухгалтериялар бош (катта) бухгалтери ёки иктисодчиси иштирокида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан ўтказиладиган бюджетдан молиялаштириладиган марказлашган тадбирларнинг харажатлар сметаси тегишинча вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар бошқарма ва бўлимлари томонидан ҳар бир тадбир бўйича алоҳида тузилади.

Инвентарлар, асбоб-ускуна ва ташкилотларнинг ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун маблағлар тегишли ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилиши керак.

Чорак (йил) охирида бюджет ташкилотларидан ишлатилмай қолган маблағларнинг қолдиғи олиб қўйилмайди, балки бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармасига ўтказилади а Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" ги Қарори иловасининг 22-23 бандларига мувофиқ белгиланган тартибда харажат килинади.

Келгуси йилга очилиши керак бўлган ташкилотларни ташкил этиш, сақлаш бўйича харажатлар сметаси тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма, бўлимлари томонидан ҳар бир ташкилотга алоҳида ҳолда, иш ҳақининг ўртача ставкаси ва фаолият кўрсатаётган тегишли ташкилотларда мавжуд бўлган харажатларнинг ўртача меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

1999 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетларида, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги йўриқнома» тасдиқланган (Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000

йил 3 февралда 888-сон билан рўйхатга олинган). Бу йўриқномага кўра Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетларида ҳамда маҳаллий бюджетларда турувчи ҳар бир мактабни молиялаштириш улар учун тасдиқданган харажатлар сметалари бўлади ва шу асосда бюджетдан молиялаштириш амалга оширилади. Харажатлар сметаси мактабни сақдашга ҳамда хўжалик ва маданий кўрилиш бўйича марказлаштирилган тадбирларни амалга оширишга бюджетдан молиялаштиришнинг ҳажмини, мақсадли йўналишини ва чораклар бўйича тақсимотини белгиловчи асосий режа ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Мактаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқданган бюджетдан молиялаштириш нормативларига асосланган ҳолда, тасдиқданган намунавий штатлар асосида харажатлар сметалари, шунингдек, штат жадвалларини мустақил ишлаб чиқади. Харажатлар сметаларига фақат Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, шу билан бирга белгиланган харажатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар томонидан, уларга берилган ҳуқуқлар доирасида назарда тутилган харажатлар киритилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи мактаб бўйича харажатлар сметалари 1 январдан 31 декабргача бўлган муддатга тузилади ва амал қилади. Жорий йилда ишга тушириладиган мактабларбўйича эса уларнинг бюджет йилида ишлаган муддатига тузилади ва амал қилади.

Харажатлар сметалари мактаблар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг амалдаги иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳи бўйича, бошқа харажатлар ва уларнинг ҳисоб-китобини ўз ичига олган тўлиқ ёйилмаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқданган шакллари асосида тузилади.

Мактабларнинг харажатлар сметалари тегишли юқори ҳалқтаълими органлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Мактаблар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактабларга, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактабларга, вилоятлар бюджетида турувчи мактабларга, шаҳарлар бюджетида турувчи мактабларга ва туманлар бюджетида турувчи мактабларга бўлинади. Шунинг учун, юқори халқ таълими органи бўлиб: Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактаблар учун тегишли вазирликлар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактаблар учун - Қорақалпоғистон Республикасини тегишли вазирликлари ва идоралари;

Вилоятлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли вилоят халқ таълими бошқармаси;

Шаҳарлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли шаҳар халқ таълими бўлими;

Туманлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли туман халқ таълими бўлими ҳисобланади.

Бундан буён матнда юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасини тегишли вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикасини тегишли вазирликлари, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва туманлар халқ таълими бўлимлари «Халқ таълими органлари» деб юритамиз.

Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида аввал санаб ўтилган мактабларнинг тегишли юқори халқ таълими органлари ўзларининг тасарруфидаги мактабларга халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг қарорларидан ва молия органларининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил сметаларини тузиш тартиби ва мулдатлари ҳақида кўрсатмалар берадилар. Бир вақтнинг ўзида уларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (сиифлар

сони, ўқувчилар сони ва ҳ.к.) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Мактаблар ўзларининг харажатларини ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилинади:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг норматив ҳужжатларига;

2) бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришнинг норматив услубига;

3) товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тартибларига, шунингдек, нодавлат корхоналар ва ташкилотларнинг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;

4) Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги, Қорақалпоқистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, тегишли ҳокимиятларнинг халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзлари тасарруфидаги мактабларнинг келгуси йил учун харажатлар сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қрупун ҳужжатларига зид бўлмаса, жумладан;

4.1) сметага иш ҳақи учун маблағлар ўрнатилган иш ҳақи тизими ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва нормативларга риоя қилишдан келиб чиқиб, фойдаланилади;

4.2) ўқитувчиларнинг иш ҳақи учун керакли маблағлар суммаларини аниқдашда, қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ҳамда ўқув юкламаларига мувофиқ тузилган ўқув режаси, тасдиқданган тарификацияга мувофиқ дафтар текшириш ва синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақтўлаш меъёрларидаи келиб чиқилади;

4.3) ходимларнинг иш ҳақи суммасига нисбатан давлат ижтимоий суғуртасига ўтказиладиган суммалар ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган барча иш ҳақи суммасига

нисбатан ҳисобланадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобланадиган суғурта тўловлари тарифларига асосан сметага киритилади;

4.4) коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари коммунал хизматлар учун амалдаги баҳо ва тарифлар асосида ҳисобланади;

4.5) болалар ва бошқа ижтимоий-маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар суммаси қонун ҳужжатлари билан тасдиқданган ташкилотларнинг айрим турлари учун белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш кунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;

4.6) дори-дармонларга кетадиган харажатлар суммаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб ҳисоблаб чиқилади;

4.7) ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак пойафзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида, ҳисобланади.

Юридик шахе мақомига эга бўлган ва харажатларнинг бюджет маблағларидан ташкари қоплашнинг бошқа манбаларига эга бўлган мактаблар ҳам қўшимча даромадлар ва улар-дан келиб чиқадиган харажатларга сметалар тузадилар. Бу сметалар бўйича даромадлар тушуми қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларга қараб аниқланади.

Мактабларнинг харажатлар сметалари уч нусхада тузилади ва мактабларнинг директорлари ҳамда бош бухгалтерлари томонидан имзоланади, сметанинг биринчи нусхаси мактабда, иккинчи нусхаси тегишли маҳаллий молия органида қолади ва учинчи нусхаси тегишли маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими»га такдим этилади.

Йилнинг биринчи қисми учун (январь-август) ойлик иш ҳақи фонди йил бошига тегишли халқ таълими органи томонидан тасдиқданган ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатига тўғри келган миқдорда қабул

килинади. Йилнинг қолган (сентябрь-декабрь) қисмига ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи фонди режалаштирилган синфлар сони ва шу даврга ўқитувчилар иш ҳақи ставкаси, тегишли халқ таълими органлари томонидан ўқув йил бошига ўқитувчиларнинг тасдиқданган тарификация рўйхати бўйича белгиланган (1—4, 5—9, 10—12) синфларнинг гуруҳлари бўйича иш ҳақининг ўртача ставкаси доирасида ҳисобланади.

Мактаблар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактабларга, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактабларга, вилоятлар бюджетида турувчи мактабларга, шаҳарлар бюджетида турувчи мактабларга ва туманлар бюджетида турувчи мактабларга бўлиниши сабабли уларни харажатлар сметаларини ҳам муайян мактаб қайси бюджетда турса, шу бюджетни ижроси билан шуғулланувчи тегишли молия органи кўриб чиқишга қабул қилади.

Мактаблар учун тегишли молия органи бўлиб:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактаблар учун - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида турувчи мактаблар учун - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги;

Вилоятлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли вилоят молия бошқармаси;

Шаҳарлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли шаҳар молия бўлими;

Туманлар бюджетида турувчи мактаблар учун - тегишли туман молия бўлими ҳисобланади.

Бундан буён матнда юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар молия бошқармалари, шаҳар молия бўлимлари ва туманлар молия бўлимларини «Молия органлари» деб юритамиз.

Мактаблар ўзларининг харажатлар сметасини, одатда, тўғридан-тўғри тегишли молия органига эмас, балки тегишли маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими»га такдим этади.

Тегишли маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими» ўз тасарруфида бўлган мактаблардан келиб тушган умумий ва алоҳида харажатлар сметаларини қуйидаги тартибда кўриб чиқади:

а) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бюджети лойиҳаси тегишли идораларда кўриб чиқилиши билан тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралар бўйича харажатларини копланта белгиланган маблағларнинг суммасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бўйича эса жами тармоқлар бўйича, бюджетни тасдиқлашда қабул қилинган суммаларни, иш хаки, иш ҳақиға ажратма, капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан бюджетни тасдиқдаш пайтида энг кўп миқдорлари белгиланадиган бошқа харажатлар ҳақида зудлик билан хабар қиладилар;

б) маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими» тегишли молия органлари томонидан хабар қилинган тегишли тармоқлар бўйича маблағлар доирасида, мактабларнинг бўйсунувидан ва харажат меъёрларидан келиб чиқиб, ўз тасарруфидаги ташкилотларга тегишли бюджетлар бўйича (республика, вилоят (Тошкент шаҳар) бюджети ва вилоят бўйсунувидаги туман ва шаҳар, шунингдек, шаҳар бўйсунувидаги туманлар бюджетлари бўйича) маблағларнинг ҳажмини алоҳида етказади.

в) маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими» ўзлари тасарруфидаги мактаблар сметалари лойиҳаларини кўриб чиқадилар ва харажатларни ташкилотлар сметалари бўйича тегишли бюджетларда турганлар учун белгиланган маблағлар доирасида қабул қиладилар.

Бир вақтнинг ўзида смета ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобланади ҳамда уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларига мослиги текширилади.

Тегишли маҳаллий молия органининг «Халқ таълими ташкилотларини молиялаштириш бўлими» белгиланган йиллик бюджетнинг чораклар бўйича тақсимотига амал қилган ҳолда, ҳажмлари бюджет билан ҳар бир чоракка алоҳида белгиланган харажатлар сметаларининг умумий суммаси, шунингдек, иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа турдаги харажатлар суммасини бюджетнинг тасдиқданган чораклар бўйича (мактаблар томонидан бюджет харажатларини чораклар бўйича тақсимотини тузишда) тақсимотига тўғри келишини таъминлайди. Шунга мувофиқ, смета бланкасининг «Тасдиқданган» графасида «I, II, III ва IV чораклар» сатрлари тўлдирилади.

Мактабларнинг харажатлар сметаларида тасдиқданган харажатларнинг йиллик ва чораклик суммалари мактаблар томонидан тақдим этилган сметаларнинг иккинчи нусхаларига ўтказилади.

Мактабларнинг харажатлар сметаларини тегишли маҳаллий молия органлари томонидан тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки тегишли вилоят, шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашлари сессияларининг тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган бюджет ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб икки ҳафта ичида (рўйхатдан ўтказиш эса 40 кун муддат ичида) амалга оширилади ва мактабнинг харажатлар сметаларини тасдиқдаган маҳаллий молия органи раҳбари (ёки ўринбосари) имзоси билан, тасдиқданган куни кўрсатилган ҳолда ҳамда бу маҳаллий молия органларининг муҳри харажатлар сметасининг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида смета харажатлари бўйича умумий суммаси юқори ўнг бурчагида кўрсатилган (штатдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг иш ҳақи фондининг умумий суммаси ажратиб кўрсатилган) ҳолда расмийлаштирилади.

Шу билан бир вақтда, тармоқлар, контингентлар ва штатлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар ҳам такдим этилади.

Умумий сметалар тасдиқданганидан сўнг тегишли халқ таълими органи (ёки марказлаштирилган бухгалтерия) бу сметалар бўйича молиялаштириладиган мактабларга қуйидагиларни хабар қиладилар:

1) штатлар ва мактаб ходимлари иш ҳақи ставкалари қақидаги маълумотни;

2) ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ўқувчилар, синфлар, болалар, жойлар, жой-кун, бола-кун ва ҳ.к.), бепул ёки имтиёзли овқат олувчи ўқувчиларнинг сони, биринчи синф ўқувчиларининг сони, аҳолининг кам таъминланган қисмидан бепул киши кийим ва пойафзал ажратиладиган бошланғич синф ўқувчиларининг сони ва бошқа тармоқ кўрсаткичларини;

3) овқатланишга, дори-дармонларга кетадиган харажатларнинг меъёрини;

4) мактабларни хўжалик ва даволаш мақсадлари учун режалаштирилаётган йилга ажратиладиган тегишли натурал кўрсаткичларини;

5) бюджет маблағлари доирасида сотиб олишга мўлжалланган инвентарлар ва асбоб-ускуналар рўйхатини;

6) капитал таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхатини;

7) тегишли молия органлари томонидан, юқори молия органлари билан келишилган ҳолда, белгиланган мактабларга хабар бериладиган кўрсаткичлар ва шакллар рўйхатини.

Мактабларнинг белгиланган тартибда тасдиқданган сметалари ва штат жадваллари, шунингдек, амалдаги сметаларга ва штат жадваллари га киритиладиган ўғартиришлар молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Юқори айтиланидек, мактабларнинг штат жадваллари ва харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Тегисли банк

муассасалари мактабларнинг иш ҳақи ва харажатларига маблағлар беришни, уларнинг сметаларини тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширадilar.

Мактаблар харажатлар сметаларининг ижроси бевосита ушбу мактабларнинг директорлари томонидан амалга оширилади.

3.2. Бюджет ташкилотларида харажатлар сметасининг тасдиқлаш тартибини ривожлантириш йўллари

Давлат бюджети тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли хокимиятларнинг молия бошқармалари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари идораларига тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси сессиялари Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига кўриб чиқиш учун тақдим этилиб бюджетга киритилган умумлаштирилган сметаларининг чорақлар бўйича тақсмотини, шунингдек иш ҳақи, уларга ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммасини бюджетда белгиланган энг юқори миқдорларини ажратиб кўрсатга ҳолатда хабар берадилар.

Бундан ташқари шаҳар молия бўлимлари шаҳарга бўйсунадиган туман хокимиятларининг бўлинмаларига юқорида кўрсатилган харажатларни халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессияси томонидан тасдиқланган уларнинг бюджетлари ҳажмлари доирасида ажратиб кўрсатиб хабар берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессияларида бюджетнинг тасдиқлаш пайтида бюджетга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли хокимиятларнинг

бошқармалари ва бўлимлари уз тасарруфларида бўлган ташкилотлар сметаларига керакли ўзгартиришлар киритадилар.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирликлари, идоралари, тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари улар томонидан илгари белгиланган ташкилотлар сметалари бўйича йиллик маблаглар миқдорларини бюджет бўйича барча сметалар харажатлари умумий суммаларига мос келадиган қилиб аниқлик киритилади.

Бунда тегишли тузатишлар ўзларида қоладиган нусхаларга киритилади.

Ундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли хокиятларининг бошқармалари ва бўлимлари белгиланган йиллик бюджетни чораклар бўйича тақсимотига амал қилган ҳолда ҳажмлари бюджет билан ҳар бир чоракга алоҳида белгиланган смета харажатларининг умумий суммаси, шунингдек иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа турдаги харажатлар суммасини бюджетнинг тасдиқланган чораклар бўйича (ташкilotлар томонидан бюджет харажатларини чораклар бўйича тақсимотини тузишда) тақсимотига тўғри келишини таъминлашлари керак.

Шунга мувофиқ, смета бланкасининг тасдиқланган графасида 1,2,3 ва 4 чораклар сатрлари тўлдирилади.

Ташкilotларнинг сметаларида тасдиқланган харажатларнинг йиллик ва чораклик суммалари муассасалар томонидан тақдим этилган сметаларни 2 нусхаларига ўтказилади.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки тегишли вилоят, шаҳар, туман халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг тегишли бюджетларда турувчи ташкilotлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлган бюджет ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб 2 ҳафта ичида (рўйхатдан ўтказиш эса 40 кун муддат ичида) амалға оширилади (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва сметаларни тасдиқлаган ташкilot раҳбар (ёки ўринбосари) имзоси

билан, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда ҳамда бу ташкилотнинг мухри сметанинг бошқа нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида смета харажатлари бўйича умумий суммаси юқори ўнг бурчагида кўрсатилган (штатдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг иш ҳақи фондининг умумий суммаси ажратиб кўрсатилган) ҳолда расмийлаштирилади.

Сметаларда бюджет маблағларини йил чораклари бўйича тақсимооти тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари чораклар бўйича тақсимоотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ташкилотнинг сметалари ҳамда марказлаштирилган харажатлар сметалари тасдиқланиши билан харажатларни йиллик умумлашмаси боблар, параграфлар, харажатлар тўрлари, бюджет таснифининг объектлари ва кичик объектлари бўйича чоракларга бўлинган ҳолда аниқланади ва тегишли молия органига тақдим этилади.

Шу билан бир вақтда тармоқлар, контингентлар ва штатлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар тақдим этилади.

Умумий сметалар тасдиқланганидан сўнг марказлаштирилган ҳисобхоналар бу сметалар бўйича молиялаштириладиган бюджет муассасаларига қуйидаги кўрсаткичлар:

- штатлар ва ташкилот ходимлари иш ҳақи ставкалари ҳақида маълумотни;
- ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ўқувчилар, синфлар, болалар, жойлар, жой-кун, бола-кун ва ҳаказолар) бепул ёки имтиёзли ўқувчиларининг сони, 1-синф ўқувчиларининг сони, аҳолининг кам таъминланган қисмидан бепул киши кийим ва пойафзал ажратиладиган бошланғич синф ўқувчиларининг сони ва бошқа тармоқ кўрсаткичларини;
- овқатланишга, дори-дармонларга кетадиган харажатларнинг меъёрини;
- бюджет маблағлари доирасида сотиб олишга мўлжалланган инвентарлар ва асбоб ускуналар рўйхатини;
- капитал таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхатини;

- ҳокимиятларнинг тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари томонидан юқори молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланган ташкилотларга хабар бериладиган кўрсаткичлар ва шакллар рўйхатини бўйича хабар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари жойлардаги молия органлари умумлаштирилган харажатларнинг ва алоҳида сметаларнинг тасдиқланган бюджетга, шунингдек бюджетни тузиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши текшириб кўрилади.

Эътирозлар бўлмаган тақдирда, молия органи харажатлар умумлашмасини биринчи бетида "Келишилган" деган белги қўйилади ва бу белги билан харажатлар умумлашмасининг тегишли вазирлик, идора, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлимига қайтарилади.

Агар харажатлар умумлашмаси бўйича эътирозлар бўлса Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари молия органлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари идоралари тегишли ҳокимиятларининг бошқарма ва бўлимлари раҳбарларидан харажатлар умумлашмаси ва тегишинча алоҳида ташкилотларнинг сметаларига тегишли тузатишлар киритишни талаб қиладди.

Алоҳида ва умумий сметаларнинг асосий нусхаси Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимият бошқармалари ва бўлимлари томонидан ҳисоби қатъий юритиладиган ҳужжат тариқасида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари молия органлари текширилган умумлаштирилган сметалари асосида, бюджетда кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тегишли бюджет харажатларини чоракларга бўлинган йиллик ёйилмасини тузадилар.

Бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган сметалари ва штат жадваллари шунингдек амалдаги сметаларга ва штат

жадвалларига киритиладиган ўзгартиришлар молия органларида рўйхатдан ўзтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Бюджет ташкилотларининг штат жадваллари ва харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

3.3. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида давлат харажатларини режалаштиришни ривожлантириш йўллари

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида" ги Қонунининг 34 - моқдасида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартириш киритиш кўрсатиб ўтилган.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадари:

Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг такдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно);

2) Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизидан ортиги:

Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун -Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг такдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган такдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг ўн беш фоизига қадар кўпайтирилиши мумкин. Бюджетдан ажратилган маблағларга мазкур ўзгартиришлар:

1) Республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларданажратиладиган бюджет маблағларига - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

Молия органларининг бюджет бўлимлари Ғазначиликка даромадлар ва харажатлар ёйилмасини, тегишли бюджетларнинг бюджет маблағларини тақсимловчи (олувчиларнинг) харажатлар сметаларини, ҳамда молия йили мобайнида харажатлар сметасига ва ёйилмага киритиладиган ўзгаришларни тақдим қиладилар.

Тегисли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар ёйилмасига, ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчи (олувчи) ларнинг харажатлар сметасига киритиладиган ўзгаришлар тўлик расмийлаштирилгандан кейин бир иш куни муддатида Ғазначиликка етказилади ва унда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, тўловлар шунга асосан амалга оширилади.

IV Боб. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк қадамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирқичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга қадам кўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврларида қўлланилган замонавий қурооллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил қилади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

XX аср поёнида ҳафсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қурооллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият

асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бўлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва

зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жихатдан ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)⁵ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш,

⁵ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устаконалардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

Ø Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

Ø саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

Ø Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Ø ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

Ø корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

Ø ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда

технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- Ø ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Ø объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- Ø ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик

корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнгин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнгин жихатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тесқари томонда жойлаштирилади. Ёнгин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнгин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)⁶ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силқиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнгинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

⁶ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: кургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган,

республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнесейф ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1 Табиий тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кучишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор қўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сибир яраси ва ҳоказо), юқумли касалликлар, риккетсиалар эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий

заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария

— химоя худудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар худудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан кулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юкори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шоншилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер

остиға ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил захарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан,

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж

қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилари экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усуламалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Бюджет маблағларидан фойдаланишда бюджет интизомига алоҳида эътибор қаратиш, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш шароитида белгиланган лимитлар доирасида сарф-харажатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда:

- бюджет ташкилотлари мансабдор шахсларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш юзасидан дунёкарашини ўзгартириш лозим. Бунинг учун уларнинг иқтисодий эркинлигини оширган ҳолда бюджет маблағларидан тежаб фойдаланишга ўргатиш зарур;

- бюджет ташкилотларида фойдаланилмаётган асосий воситани ижарага беришдан олинadиган даромаднинг тақсимланиш нисбатини қайта куриб чиқиш лозим.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан мақсадли ва ўринли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодий ривожланишга эришишда бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш ва харажатлар сметасини тузиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан қуйидаги илмий-амалий натижаларга эришилди:

1. Бюджет даромадлари миқдорига тенг харажатлар сметасини таъсир кўрсатмаслиги, аммо, бюджет ташкилотлари ўртасида даромадларнинг қайта тақсимланишига кўпроқ таъсир этиши сабабли, ҳозирги пайтда харажатларни тартибга солувчи, чегараловчи ва фискал восита сифатида фойдаланишни камайтирган ҳолда, бюджет ташкилотларини рағбатлантирувчи восита сифатидаги ролини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

2. Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи бюджет ташкилотларига Халқ депутатлари кенгаши

сессиясининг қарорларидан ва молия органларининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари ҳақида кўрсатмалар берилишини таъминлаш.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда ҳисобчи ходимлари кенгашини чақирадилар ва сметаларини тузиш тартиби ва муддатлари ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий - хўжалик фаолиятига ва улар томонидан сметаларни тузишга тааллуқли бўлган амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш тартибини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларини албатта амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя қилиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек сметаларни тузиш, ҳамда смета бланкаларини тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатишлари лозим.

Бир вақтнинг ўзида ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар, болалар, шифохоналарда жой - кунлар, бола-кунлар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қилишлари муҳимдир.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифларни эътиборга олиш зарур.

Энг аввало харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон

Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

- бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

- товар ва хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек нодавлат корхоналар ва ташкилотларининг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзига қарашли ташкилотларнинг келгуси йил учун сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва тақлифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса.

Жумладан:

- харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритиш тавсия этилади;

- педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқилиши тавсия этилади;

- ходимларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ўтказиладиган харажатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган барча иш ҳақидан олиннадиган, қайсики қонун

хужжатларига мувофиқ ижтимоий суғурта бадаллари тўланадиган, суғурта тўловлари тарифларига асосан сметага киритиш зарур;

- коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари, коммунал хизматлар учун амалдаги баҳо ва тарифлар асосида ҳисобланиши муҳим;

- ходимларнинг айрим гуруҳларига уй жойларини ва коммунал хизматларни бепул бериш учун кетадиган харажатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994. 20-бет.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.-48-б.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 463-б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- б.
12. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999.- 335с.
13. Акпаров И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: Финансы и статистика, 2002.

- 14.Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью аналитических возможностей БОР //Финансы, № 11, 2006.
- 15.Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью системы сбалансированных целевых показателей // Финансы, № 9, 2004.
- 16.Бородин А.Н. О результативности расходования бюджетных средств // № 9, 2005.
- 17.Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
- 18.Вахобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
- 19.Вахобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
- 20.Гусев С.И., Швецов Ю.Г. О роли федерального казначейства в финансовой системе государства // Финансы № 11, 2004,
- 21.Дроздов О.И. Оценка зрелости казначейской системы //Финансы, № 2, 2007.
- 22.Дубинина И.В. Реформирование бюджетной классификации РФ // Финансы, № 12, 2004.
- 23.Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.
- 24.Зуева И.А. Пути внедрения государственного аудита //Финансы, № 5, 2005.
- 25.К вопросу о сущности казначейского исполнения бюджетов //Финансы, № 11, 2006
- 26.Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
- 27.Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.
- 28.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.

29. Костюченко В.Ф. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами // Финансы, № 9, 2005.
30. Крохина Ю.А. Конституционные основы казначейской системы исполнения бюджетов субъектов РФ // Финансы, № 11, 2006.
31. Кучкарова Т.С., Тербиленко Б.Н. Выбор казначейской системы исполнения бюджета в странах СНГ // Финансы, № 9, 2005.
32. Лаврова А.М. Бюджетная реформа 2001-2008 гг.: от управления затратами к управлению результатами.
33. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
34. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
35. Нестеренко Т.Г. О развитии федерального казначейства // Финансы, № 12, 2005.
36. Нестеренко Т.Г. Федеральное казначейство на новом этапе // Финансы, № 4, 2005.
37. Никитина Т.Р. Применение ответственности за нецелевое использование бюджетных средств // Финансы, № 11, 2005.
38. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар) . – Т.: Iqtisod-moliya, 2008.
39. Пансков В.Г. Аудит эффективности расходования государственных средств // Финансы, № 5, 2006.
40. Пахомов С.Б. Секьюритизация доходов бюджета территориального образования и облигационные займы: опыт Нью-Йорка // Финансы, № 12, 2006.
41. Принципы организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан. - Т.: Мир экономики и права, 2005. – 318 с.
42. Сабитова Н.М. Некоторые вопросы реформирования бюджетного процесса в РФ // Финансы, № 7, 2005.

- 43.Тимирханова Л.Р. Новый порядок финансирования расходов федерального бюджета // Финансы, № 7, 2005.
- 44.Цыденмункуева Т.Ч. Доходы бюджетных учреждений от предпринимательской и иной деятельности //Финансы, № 12, 2006.
- 45.Чичелёв М.Е. О дальнейшем совершенствовании бюджетного процесса //Финансы, № 2, 2006.
- 46.Шахова Г.Я., Боженко И.П. Государственные расходы и социально-экономическое развитие // Финансы, № 8, 2005.
- 47.Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Ўзбекистон иқтисодий аҳборотномаси 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2006-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари.
- 48.Интернет сайтлари:
- http: //www.minfin.ru
- http: //www.mf.uz
- http: //www.budget.ru
- http: //www.df.ru
- http: //www.nalog.ru
- http: //www.finansy.ru
- http: //www.finance.rambler.ru